

Албатта, сув жунуб бўлмайди



20:40 / 29.05.2019 4445

Ўн саккизинчи суннат

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларидан бирлари бир катта тоғорадан ғусл қилди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшандан таҳорат ёки ғусл қилиш учун келдилар. У:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жунуб эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, сув жунуб бўлмайди», дедилар».

Сунан эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аёл киши ғусл учун фойдаланган сувдан қолган сув билан эркак киши таҳорат қилса бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Ҳадиснинг лафзидан, зикр қилинган онамиз тоғоранинг ичига тушиб ғусл қилганлару кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша сувни ишлатмоқчи бўлганлар, деб тушунмаслик кераклигини жумҳур уламолари таъкидлаганлар. Онамиз тоғорадаги сувдан олиб, ғуслга ишлатганлар. Албатта, шу аснода қўллари идишдаги сувга теккан бўлиши керак. Шу ва шунга ўхшаш бошқа омилларга, кўра, энди қолган сувни ишлатиб бўлмаса керак, деган фикр туғилгани учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сувни ишлатмоқчи бўлганларида:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жунуб эдим,» деганлар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Албатта, сув жунуб бўлмайди»** деб, ҳукми баён қилганлар. Демак, жунуб одам теккан ёки олиб ишлатганидан қолган сув нопок бўлиб қолмайди.

Баъзи кишилар бу ҳукми тушунмай, жунуб одам ҳеч нарсага яқин келиб бўлмайди, деб ўйлайдилар. Ўзларича турли қийинчиликлар келтириб чиқарадилар. Бундай ишлар тўғри эмаслигини ушбу ривоятдан кўриб турибмиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан